

3. Расчет издержек по эксплуатации оцениваемой недвижимости, который осуществляется путем анализа фактических издержек по ее содержанию и/или типичных издержек на данном рынке

4. Пересчет чистого операционного дохода в текущую стоимость объекта рядом способов в зависимости от выбранного метода оценки. Для определения текущей стоимости объекта используют следующие методы: прямой капитализации доходов, капитализации по норме отдачи на капитал, капитализации по расчетным моделям; дисконтированных денежных потоков.

**Выводы и предложения.** Таким образом, существует многообразие методов оценки недвижимого имущества, в зависимости от поставленных целей оценщик может выбрать наиболее оптимальный, приводящий к минимизации затрат и обеспечивающий необходимую точность расчетов. С помощью независимой оценки недвижимости приносящей доход покупатель или инвестор могут с легкостью про-

анализировать выгоду своего вложения перед тем, как совершить сделку.

В зависимости от особенностей недвижимости специалистом выбираются различные совокупности методов оценки зданий и сооружений, позволяющие выбрать наиболее эффективные способы ведения [бизнеса](#) в будущем. Рыночная стоимость объектов движимости приносящей доход оценивается при помощи методов доходного, затратного и сравнительного (рыночного) подходов. Ограничением применения этих методов являются внешние факторы, включая потенциал использования объекта.

Анализ зарубежного опыта оценки недвижимости приносящей доход показал, что законодательная база оценки не только имеет четкую и прозрачную структуру, но и содержит большой объем необходимой нормативной и справочной информации, что создает прочную основу для нормативного и информационного обеспечения оценочной деятельности и формирования прозрачного рынка недвижимости.

### **Источник и список использованной литературы:**

1. Витте С. Ю. Конспект лекций о народном и государственном хозяйстве, читанных Его императорскому высочеству великому князю Михаилу Александровичу в 1900-1902 годах. – М.: Начала, 1997.
2. Норм Д. Институты, институциональные изменения и функционирование экономики. – М.: 1997.
3. Коупленд Т. Стоимость компаний: оценка и управление/Пер. с анг. – М.: ЗАО «Олимп-Бизнес», 2005.
4. Закон Республики Узбекистан «Об оценочной деятельности» 19.08.1999 № 811-1 (ред. от 12.10.2021)
5. Единый национальный стандарт оценки Республики Узбекистан (ЕНСО) (рег № 3239 от 04.06.2020г.)
6. Аналитика и исследования рынков. [Электронный ресурс] // Компания RRG: [сайт]. [2019]. URL: <http://rrg.ru/analytic> (дата обращения: 07.03.2019).
7. Асаул А.Н. Развитие рынка жилой недвижимости как самоорганизующейся системы /А.Н. Асаул, Д.А. Гордеев, Е.И. Ушакова; под ред. засл. строителя РФ, д-ра экон. наук, проф. А.Н. Асаула. – СПб.: ГАСУ. -2008. – 334с.
8. Верезубова, Т. А. Формирование исходной информационной базы при разработке финансовой стратегии страховой организации.// Т.А.Верезубова Вестник БДУ. Сер. 3. 2014. № 1. – С. 47-52.
9. Fogler J. What You Should Know About Real Estate Valuation. Mar 19, 2018. [Электронный ресурс] // [2019]. URL: <https://www.investopedia.com/articles/realestate/12/real-estate-valuation.asp> (дата обращения: 07.03.2019).
10. IMX – Der Immobilienindex von ImmobilienScout24. [Электронный ресурс] // [2019]. URL: [http://api.immobilienscout24.com/content/dam/is24/documents/ibw/IMX/2018/imx\\_September18.pdf](http://api.immobilienscout24.com/content/dam/is24/documents/ibw/IMX/2018/imx_September18.pdf) (дата обращения: 07.03.2019).
11. John C. Ramirez. Industrial and Commercial Real Estate Appraisal Procedures. [Электронный ресурс] // [2019]. URL: [http://www.willamette.com/insights\\_journal/18/winter\\_2018\\_5.pdf](http://www.willamette.com/insights_journal/18/winter_2018_5.pdf) (дата обращения: 07.03.2019).
12. Tomlinson R. F. Thinking about GIS: Geographic Information System Planning for Managers. Redlands, CA: ESRI Press, 2005. 328 p.



doi:[https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss6/a46](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss6/a46)

### **ИЖТИМОЙ СОҲАДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК АМАЛИЁТИДАН ФОЙДАЛАНИШ**

**Касимова Гулляр Ахматовна -  
Тошкент молия институти профессори**

**Аннотация.** Ушбу мақолада давлат-хусусий шерикликнинг ижтимоий-иқтисодий можияти ва хорижий мамлакатлардаги давлат-хусусий шериклик тизимининг ўзига хос хусусиятлари тадқиқи қилинган. Ўзбекистон Республикасида ижтимоий соҳага қарашли бюджет ташкилотларини молиялаштириши механизмини давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этилиши ёритилган.

**Таянч сўзлар:** давлат бюджети, давлат бюджети харажатлари, ғазначилик, ижтимоий соҳа, молиявий назорат, бюджет ташкилоти, давлат-хусусий шериклик, давлат, хусусий сектор, ижтимоий сиёсат.

## ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ПРАКТИКИ ГОСУДАРСТВЕННО-ЧАСТНОГО ПАРТНЕРСТВА В СОЦИАЛЬНОЙ СФЕРЕ

**Касимова Гулляр Ахматовна –**  
**Профессор Ташкентский**  
**финансовый институт**

**Аннотация.** В данной статье исследуются сущность социально-экономическая государственно-частного партнерства и особенности системы государственно-частного партнерства в зарубежных странах. Освещено организация механизма финансирования бюджетных организаций, на основе государственно-частного партнерства относящихся к социальной сфере в Республике Узбекистан.

**Ключевые слова:** государственный бюджет, расходы государственного бюджета, казначейство, социальная сфера, финансовый контроль, бюджетная организация, государственно-частное партнерство, государство, частный сектор, социальная политика.

### USING THE PRACTICE OF PUBLIC PRIVATE PARTNERSHIPS IN THE SOCIAL SPHERE

**Kasimova Gulyr Axmatovna –**  
**Professor Tashkent Financial Institute**

**Annotation.** This article examines the socio-economic nature of public-private partnership and the specific features of the public-private partnership system in foreign countries. In the Republic of Uzbekistan, the organization of the financing mechanism of budget organizations of the financing mechanism of budget organizations belonging to the social sphere on the basis of public-private partnership is explained.

**Key words:** the state budget, state budget expenditures, the treasury, social sphere, financial control, budgetary organization, public-private partnership, state, private sector, social policy.

**Кириш.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида таълим ва тиббиёт муассасаларини ташкил этишда давлат-хусусий шериклик имкониятларидан кенг фойдаланиш кераклигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар”[4]. Мамлакатимизда ижтимоий соҳа, жумладан соғлиқни сақлаш тизимида давлат-хусусий шериклик муносабатларини ривожлантиришга катта эътибор қартилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат хусусий шериклик тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 апрелдаги “Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4290-сон қарори соғлигини сақлаш соҳасидаги муносабатларни хуқуқий жиҳатдан тартибга солиш ва ушбу йўналишда давлат-хусусий шерикликни жорий этишда муҳим хуқуқий асос ҳисобланади. Шу йўналишда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузурида Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги тузилди. Мазкур қарорга мувофиқ [2]:

а) соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шериклик лойиҳалари давлат ва хусусий шерик ўртасида қўйидаги бир ёки бир неча шаклларни бирлаштириш орқали амалга оширилади:

соғлиқни сақлаш соҳасида жамоат инфратузилмасини лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, яратиш, жиҳозлаш, модернизация қилиш, молиялаштириш, фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш;

соғлиқни сақлаш соҳасида товарларни етказиши, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиши;

б) Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида назарда тутилган ҳоллардан ташқари хусусий шерикни танлаб олиш тендер асосида ёки тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали амалга оширилади;

в) битимнинг амал қилиш муддати давлат ва хусусий шерик томонидан белгиланади. Бунда у уч йилдан кам бўлмаслиги ва 49 йилдан ошмаслиги керак;

г) давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга оширишда хусусий шерикка ажратилган ер участкалари, сотиб олинган тиббий ва бошқа ускуналар, шунингдек, улар томонидан курилган обьектлар битимнинг амал қилиш муддати тугагандан сўнг давлат шеригига топширилади.

**“Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шериклик** – ўзаро тузилган давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битими асосида хусусий инвестициялар ва (ёки) бошқарув тажрибасини жалб қилиш ҳамда хатарлар ва мажбуриятларни бўлишиш ва (ёки) тақсимлаш мақсадида тиббий хизматлар сифатини яхшилашга, шунингдек, соғлиқни сақлаш соҳасида ижтимоий ва инфратузилмавий муаммоларни ҳал этишга қаратилган давлат шериги ва хусусий шерик ўртасида муайян муддатга хуқуқий расмийлаштирилган ўзаро манфаатли ҳамкорликдир” [2].

Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги қонунига мувофиқ, таълим соҳасидаги давлат-хусусий шериклик давлат ва хусусий шерикларнинг муайян муддатга юридик жиҳатдан расмийлаштирилган, давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун ўз ресурсларини бирлаштиришига асосланган ҳамкорлик, деб белгиланди. Ўзбекистонда нодавлат таълим ташкилотлари таълим соҳасидаги давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этилиши мумкин. Таълим соҳасидаги давлат-хусусий шериклик Ўзбекистон Республикаси «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги қонуни принциплари, нормалари ва қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** “Давлат-хусусий шериклик” термини инглиз тилидан “public-private-partnership” деб таржима қилинади. Мазкур йўналишдаги тадқиқотлар натижаларига кўра, давлат ва хусусий бизнес ўртасидаги муносабатлар институционал тизимида кескин ўзгартириш киритган давлат-хусусий шериклик фаолиятидан фойдаланиш XX асрнинг 80-йилларида Буюк Британия ҳукумати томонидан Д.Мейджор раҳбарлигидаги илгари сурилган ғоядир. Ушбу ғоя асосчиси Д.Мейджор томонидан 1992 йилда давлат мулкини бошқариш бўйича “Хусусий молиявий инвестиция” (Private Finance Initiative – PFI) лойиҳаси ишлаб чиқилди ва бизнес вакилларига давлатнинг ижтимоий-маданий соҳа объектларини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда ижтимоий хизмат кўрсатиш каби йўналишларга инвестиция киришини таклиф этилди. “Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси турли хил бўлган мамлакатларнинг иқтисодиётида давлат ва хусусий шериклар ўртасида инфратузилма лойиҳалари-

ни амалга ошириш (Public-Private Partnership) ДХШ шаклидаги молиявий механизм тобора кўпроқ қўлланилмоқда” [15].

ДХШ мақсадлари қуйидагилардан иборат: ижтимоий инфратузилма хизматларини такомиллаштириш ёки кенгайтириш; рисклар ва фойдани тақсимлаш; объектни қуриш ёки реконструкция қилиш; лойиҳани амалга оширишнинг барча босқичларини молиялаштириш, келгусида объектни эксплуатация қилиш; халқаро ва миллый даражада ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни амалга ошириш.

Хорижий тадқиқотчилар Хирсчман А.О. (1958) ва Биеҳл Д. (1994) томонидан давлат-хусусий шерикликни инфраструктурани давлат ижтимоий хизматларини таъминловчи капитал сифатида қайд этилган. “Инфратузилма табиатан йўлнинг кесишима жойига ўхшайди, яъни мақсад ёки исталган натижага (ишлаб чиқариш, транспорт, коммуникация, соғлиқни сақлаш, таълим) мақсадларига эришиш учун ҳукумат ёки бошқарув субъектлари томонидан кучли хусусий сектор билан биргалиқда амалга оширилса натижага муваффақиятли ҳисобланади” [19].


Н.Г. Степанованинг фикрича, “Давлат ва бизнес тузилмалар ўртасидаги муносабатларнинг хилма-хиллигини ҳисобга олган ҳолда, ДХШнинг қуйидаги устувор хусусиятларини ажратиб кўрсатиш мумкин: томонлар сифатида давлат ва хусусий сектор қатнашиши, шериклар ўртасидаги муносабатлар узоқ муддатли характерга эга бўлиши; ҳамкорлар ўртасида риск ва жавобгарликни тенг тақсимланиши; ДХШ ижтимоий ва умумжамият аҳамиятига эга эканлиги; томонларнинг тенглиги (шериклар ўртасидаги манбаатлар мувозанати)дир” [13].



1-расм. Хорижий давлатларда ДХШ лойиҳаларини молиялаштириш манбалари[12]

Д.Е.Хулукшинов, Е.В. Савенкованинг фикрича, “ҳозирги шароитда даволашнинг инновацион усулларини жорий этиш натижада биринчидан, тиббий хизмат сифатини ошириш ва аҳоли саломатлигини яхшилаш учун, иккинчидан, тизим ишида белгиланган мақсадларга эришиш учун янги молиялаштириш моделларини излаш фаол олиб борилмоқда. Шу сабабли соғлиқни сақлаш соҳасини молиялаштиришнинг янги моделларини излашда ҳукуматлар ушбу соҳадаги лойиҳаларда иштирок этиш учун хусусий капитални тобора кўпроқ жалб қилмоқда. Шуни айтиб ўтиш керакки, хорижий мамлакатларда давлат-хусусий шерикликда франчайзинг жуда кўп учрайди” [15].

“Давлат-хусусий шериклик – давлат шериги ва хусусий шерикнинг муайян муддатга юридик жиҳатдан расмийлаштирилган, давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун ўз ресурсларини бирлаштиришига асосланган ҳамкорлигидир”[1]. Қуйидаги расмда Ижтимоий соҳада давлат-хусусий шерикликни жорий этиш тамойиллари берилган.Иқтисодчи Г.Э. Улумбекова шу фикрга қўшилган ҳолда, қуйидагини таъкидлайди. “Соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантиришда молиялаштириш механизмини фақатгина такомиллаштириш етарли эмас, соҳанинг ривожланиши учун қўйилган барча вазифаларнинг тўлиқ бажарилишини таъминлайдиган янги қўшимча молиялаштириш манбаларни жалб қилиш йўлини излаш керак.




2-расм. Ижтимоий соҳада давлат-хусусий шерикликни жорий этиш тамойиллари

Молиявий ресурсларни жалб қилиш муаммосининг ечимларидан бири – хусусий бизнес назоратида ижтимоий мақсадли дастурларнинг бажарилишини таъминлашга, соғлиқни сақлаш соҳасида натижаларни кафолатлашга, рискларни минималлаштиришга қодир бўлган воситадир, соғлиқни сақлаш тизими учун принципал жиҳатдан замонавий, истиқболли бўлган давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш зарур” [20].

“Айни пайтда давлат сектори (соғлиқни сақлаш, таълим, жисмоний тарбия) инвестицияларга жуда мухтож. Давлат секторига қарашли бюджет ташкилотлари концерватив, бирократик тарзда ва суст ривожланмоқда. Шуни айтиш керакки, ижтимоий соҳадаги инновациялар хусусий сектордаги инновациялардан анча фарқ қиласди, чунки икки секторнинг асосий мақсадлари турличадир. Хусусий секторда асосий мақсад - инновацияларни жорий этиш орқали фойдани кўпайтиришdir. Давлат секторида асосий мақсад - аҳоли турмуш даражасини яхшилаш ва

эҳтиёжларни сифатли таъминлашdir”[17]. “Шу билан бирга ташкилотларнинг катта қисми аҳолини конститутциявий кафолатланган бепул ёки имтиёзли хизматлар билан таъминланиши, шу сабабли уларнинг фаолияти тижорат мақсадларида эмаслиги ва ҳар доим ҳам хусусий инвесторлар учун инвестиция жозибадорлиги мавжуд эмаслиги сабабли ижтимоий соҳада тўлиқ хусусийлаштиришни амалга ошириш мумкин эмас. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, лекин ижтимоий хизматлар соҳаси хусусий капитал учун жуда жозибали бўлиб қолаверади” [9].

Иқтисодчилар Е.Б.Завъялова, М.В. Ткаченко фикрича, ушбу механизмдан фойдаланиш хусусийлаштиришдан кўра мақбул усул бўлиб, иштирокчилар бўлган барча тарафлар учун манфатлидир. “Давлат ижтимоий инфратузилма объектларини қуриш ва улардан фойдаланиш учун бюджетдан жорий ва капитал харажатларини сезиларли даражада камайтиради, давлат мулкини самарадорлиги ўсади ҳамда ушбу молиявий активларнинг қайтими кўпаяди” [7].



**3-расм. Давлат томонидан ДХШ шартномаларини тузиш орқали ижтимоий инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш афзалликлари**

Ўз навбатида, хусусий сектор вакиллари шериклик эвазига узоқ муддат давомида инвестициядан кафолатланган даромад олади. “Таъкидлаш керакки, схемадаги асосий “бенифициар” давлат ҳисобланади, тизим орқали ижтимоий инфратузилманинг ривожланиши ва аҳолининг ҳаёт сифати сезиларли даражада яхшиланади” [8].

Иқтисодчи олим Н.Н.Обломуродов тадқиқот ишларида давлат-хусусий шерикчилик таъмиилари асосида йўл қурилиши ва транспорт инфраструктураси, муқобил энергия манбалари, туризм, ижтимоий соҳа инфраструктураси обьектларини қурилиши каби устувор соҳаларда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокида инвестицион лойиҳаларни амалга оширишни рафбатлантириш мақсадга мувофиқлиги ни таъкидлайди [14].

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқотнинг асосий мақсади давлат-хусусий сектор шериклиги механизмини ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида мамлакатимизда ижтимоий соҳада давлат-хусусий сектор шериклиги механизмини жорий қилиш бўйича илмий хуносалар ишлаб чиқишидан иборат. Тадқиқот жараёнида таққослаш, гурухлаш ва иқтисодий статистик усулларидан кенг фойдаланилди. Тадқиқот натижасида хорижий мамлакатларда давлат-хусусий сектор шериклиги механизмидан фойдаланиш бўйича илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.** “Мамлакатимизда мактабгача таълим тизими, мактаб таълими ва олий таълим тизимида ҳам бундай амалиётнинг жорий этилиши мамлакатимиз таълим тизимини ривожланишининг янги босқичга олиб чиқиши мумкин. Шунингдек, тиббий хизмат кўрсатиш жараёнида давлат-хусусий шериклик муносабатларини кенгай-

тириш муҳим масаладир” [10]. Иқтисодчилар С.Э Элмирзаев, Н.Ш Шавкатовларнинг фикрича, “бевосита бу соҳада ҳам бундай амалиётнинг кенг жорий этилиши тармоқнинг сифатини яхшилаш имконини беради. Айнан, шу жиҳатлар ДХШ амалиётини Ўзбекистонда ривожлантириш аҳамиятини ифодалайди. Инфратузилманинг етарли даражада шаклланмаганлиги иқтисодий ўсишга тўсқинлик қиласи, аҳоли учун кўрсатилаётган ижтимоий хизматлар сифатига салбий таъсир кўрсатади ва тадбиркорлик фаолияти жадаллигини пасайтиради. Аҳоли турмуш фаровонлигини белгиловчи инфратузилма обьектларини яратиш, сақлаб туриш билан боғлиқ харажатларга ҳар йили дунё бўйича катта маблағ сарфланади. Дунё бўйича 2018 йилда инфраструктурага 2.6 триллион доллар инвестиция йўналтирилган. Бу кўрсаткич эса 2040-йилга бориб 42 фоизга ўсиб, 3.7 триллион долларга етиши кутилмоқда. The Global Infrastructure Hub ташкилоти томонидан олиб борилган тадқиқотларга кўра 2030 йилга бориб инфраструктурага инвестициялар ҳажми 2018 йилга қараганда 26 фоизга кўпроқ ёки 3.3 трлн. доллар маблағлар йўналтирилиши айтилмоқда ёки 2040 йилда бу кўрсаткич 3.813 трлн. долларга чиқиши прогноз қилинмоқда” [18]. Қуйидаги 1-жадвалда давлат-хусусий шерикликнинг шартнома шакллари берилган.

Концессия – лотинчада *concessio* “руҳсат бериш” маъносини билдиради, концессия – бу давлатга тегишли бўлган кўчмас мулк обьектларини инвестор ёки (концедент) билан биргаликдаги маблағлари ҳисобидан қуриш ёки реконструкция қилиш тўғрисидаги битимнинг бир тури бўлиб, бунинг натижасида инвестор обьектни пуллик асосда эксплуатация қилиш имкониятини қўлга киритади ва ўз фойдасига даромад олади.

Давлат-хусусий шерикликнинг шартнома шакллари

| №  | ДХШ шакллари  | Мазмуни   |
|----|---|---|
| 1. | Давлат-хусусий шериклик шартномаси (ишлар ва хизматлар учун)                                  | Давлат (маҳаллий бошқарув) ва хусусий сектор ўртасида муайян ижтимоий аҳамиятга эга ва фойдали фаолиятни амалга ошириш учун тузиладиган маъмурӣ-хўжалик келишуви. ДХШ амалиётида энг кенг тарқалган ишлар – давлат хизматларини кўрсатиш, бошқарув учун, давлат эҳтиёjlари учун маҳсулотларни етказиб бериш, техник ёрдам кўрсатиш учун ишларни бажариш учун шартнома тузилиши мумкин. Маъмурӣ-хўкуқий муносабатларда мулкий хукуқлар хусусий шерикларга ўтказилмайди, харажатлар ва молиявий йўқотишлар давлат томонидан қопланиши мумкин. |
| 2. | Ижара (ижара шартнома лари) ва лизинг шаклида бошқариш ва эксплуатация қилиш учун шартномалар | Шартнома билан белгиланган шартлар асосида, давлат ёки маҳаллий ҳокимиятнинг инфраструктура обьектларини вақтингчалик фойдаланиш учун ва маълум бир ҳақ эвазига хусусий шерикка ўтказади. Лизинг шартномаси бўйича лизинг олувчи ҳар доим давлат ёки маҳаллий ҳокимят мулкни сотиб олиш хукуқига эга. Давлат ёки маҳаллий ҳокимият ва хусусий шерик ўртасидаги ижара муносабатларининг сақлаб қолиниши мулкни вақтингчалик ишлатиш ва муайян ҳақ эвазига ўтказиш ҳисобланади  |
| 3. | Концессия шартномаси  | Давлат-хусусий шериклик шартномасининг маҳсус шаклларидан бири бўлиб, ижтимоий аҳамиятга эга инфратузилмани ривожлантиришга қаратилган ёки хусусий сектор (концессионер) концессия обьектини ишлаб чиқадиган ва унинг фаолиятидан (даромад олишдан) тушадиган ижтимоий манфаатларни ҳимоя қилиш бўйича фаолиятни (концессия обьектини) амалга оширишга қаратилган давлат-хусусий ҳамкорлик шакли ҳисобланади, бунда давлат сектори концессия обьектига эгалик қиласи ва назоратни сақлаб қолади   |
| 4. | Маҳсулот тақсимотига оид битимлар   | Давлат хусусий инвесторга ер қаъридаги минерал хом ашёларни излаш, қидириб топиш ва қазиб олиш ҳамда муайян муддатда улардан фойдаланиш билан боғлиқ иш учун муайян хукуқларни берадиган шартнома ва хусусий сектор ушбу ишларни ўз маблағлари ҳисобидан амалга ошириб, ўзи рискларни ва хавф-хатарларни ўз зиммасига олади   |

**“Концессия** – давлат-хусусий шерикликнинг шаклларидан бири бўлиб, бунда давлат хусусий шерикка концессия шартномасида назарда тутилган хўжалик фаолиятининг муайян турини амалга ошириш учун рухсатнома берган ҳолда мол-мulkни ва ер участкаларини тақдим этади”[1].

И.А. Фрейдина илмий тадқиқот ишларида ДХШ да концессия лойиҳаларига эътибор қаратди, унинг таъкидлашича, “хорижий мамлакатлар орасида Чилини ажратиб кўрсатиш мумкин. Ушбу мамлакатда ижтимоий соҳадаги инфратузилма мажбуриятларини ижтимоий соҳадаги концессия лойиҳаларини молиялаштиришда муваффақиятли қўлланилди. 1995-2005 йиллар давомида хусусий инвестициялар ҳажми ДХШ дан фойдаланиш ҳисобига 9,0 фоиздан 65,0 фоизга ошди” [21].

Давлат учун ДХШ шартномаларини тузиш орқали ижтимоий инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш куйидаги афзалликларга эга[15]:


- обьектга эгалик хукуқини сақлаш қолиш;
- танлов ёки танловсиз асосда шартнома тузиш имконияти;
- давлат мулкни бошқариш тўғрисидаги шартноманинг узоқ муддатли хусусияти;

– концессионер фаолияти устидан назоратни амалга ошириш, шунингдек обьектдан хотўғри фойдаланишнинг олдини олиш қобилияти;

– давлат бюджети юкини камайтириш;

– шартнома обьектини қуриш ва реконструкция қилиш учун хусусий ва давлат инвестицияларини бирлаштириш имконияти.

“Соғлиқни сақлашни молиялаштириш самарадорлигини баҳолаш ижтимоий, таркибий ва тиббий-иқтисодий самарадорлик ёрдамида амалга оширилишини таъкидлаш лозим. Жумладан: ижтимоий кўрсаткичлар соғлиқни сақлаш кўрсаткичлари (аҳолининг ногиронлиги ёки ўлим даражаси) ёрдамида баҳоланади, баҳолаш ҳокимият органлари (ижро этувчи ва қонун чиқарувчи органлар) томонидан макро даражада аҳоли ва жамоат ташкилотлари иштирокида амалга оширилади; тузилмавий самарадорлик тиббий хизмат турлари (поликлиника, шифохона, тез ёрдам) ҳисобга олинган ҳолда кўрсаткичлари асосида баҳоланади, баҳолаш соғлиқни сақлаш органлари томонидан ҳудудий ёки шаҳар миқёсида амалга оширилади; тиббий-иқтисодий самарадорлик турли хил даволаш усулларидан фойдаланилганда натижага эришиш даражасини ифодаловнчи кўрсаткичлар асосида баҳоланади.



**4-расм. ДХШ механизмида соғлиқни сақлаш соҳасини молиялаштириш самарадорлигини баҳолаш тизими**

Мазкур даражаларнинг ҳар бирида харажатларнинг самарадорлигини баҳолашнинг қуидаги усулларидан фойдаланиш мумкин. Харажатларни минималлаштириш усули энг арzon вариантини танлашни ўз ичига олади, маблағларни сарфлаш самарадорлигини таҳлил қилиш учун молиялаштириш таркибини тавсифловчи қуидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади”[6]. тиббий хизмат турлари бўйича (поликлиника, шифохона, тез ёрдам); умумий ва аҳоли жон бошига тўғри келадиган соғлиқни сақлаш харажатларининг манбалари (бюджет, тиббий суғурта); бюджет харажатларнинг иқтисодий таснифи бўйича соғлиқни сақлаш соҳасига қарашли бюджет ташкилотлари. Шунингдек, асосий воситаларнинг амортизацияси кўрсаткичи ва аҳолига тиббий ёрдам тури бўйича аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизмат даражаси кўрсаткичлари қўлланилади (4-расм).

“Харажатлар-натижадорлик” усули ягона мақсадга эришишга қаратилган маблағлардан фойдаланиш варианtlарини таққослашни ўз

ичига олади. Бироқ улар харажатлар даражаси ва мақсадга эришиш натижалари билан фарқ қиласди. Ушбу усул ёрдамида соғлиқни сақлаш дастурларида турли кўрсаткичларга эришилганligini баҳолаш ва турли кўрсаткичлар (ахдолининг умр кўриш узунлиги, кўрсатилаётган тиббий хизматларнинг сифати, касалликларнинг камайиши)ни таққослаш мумкин.

“Харажатлар-фойда” усули дастур харажатлар (пул) маблағлари эвазига дастурни амалга ошириш натижаларини баҳолашни ўз ичига олади. Бу бир дастурнинг бошқаси билан таққослаганда фойдалигини кўрсатиши мумкин.

“Харажатлар-кулайлик” усули соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислоҳотларнинг самарадорлигини баҳолашни ўз ичига олади, бу умр кўриш йиллари билан тавсифланади, аҳоли турмуш даражасининг сифати билан ажralib туради, интеграл баҳолаш кўрсаткичлари (ўртача табиий кўрсаткичлар, масалан, ўртача умр кўриш узунлигидаги камайган йиллар)ни ҳисобга олган ҳолда ҳисоблаб чиқлади.

“Давлат ижтимоий соҳалар (соғлиқни сақлаш, таълим, маданият, спорт) учун жавобгар. Қоида тариқасида, иқтисодиётнинг ушбу тармоғига қарашли обьектлар давлат мулки ҳисобланади. Шу билан бирга, ижтимоий соҳага қарашли мазкур бюджет ташкилотлари томонидан айрим ҳолларда молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида ушбу обьектлардан вақтинча фойдаланиш ҳуқуқини хусусий тадбиркорлик субъектларига берилади. Давлат ва хусусий шериклар ўртасидаги ушбу муносабатлар ДХШ доирасида амалга оширилиши мумкин, бу эса яхши натижага эришиш имконини беради. Ҳозирги кунда давлат мулки ҳисобланган ижтимоий аҳамиятга эга бўлган обьектларни сақлаб қолиш, шу билан бирга мулкдорнинг ваколатларини бир қисмини хусусий секторга ўтказишга имкон берадиган бир қатор шакл ва услублардан фойдаланилади” [17].

**Хулоса ва таклифлар.** Давлат-хусусий шериклик – хусусий сектор ва ҳокимият ўртасидаги ўзаро алоқалар, жамоат товарлари ишлаб чиқариш ва ижтимоий хизматларни тақдим этиш учун хусусий секторнинг ресурслари ва янгиликларидан фойдаланишга қаратилган муносабатлардир.

Давлат-хусусий шериклиги (ДХШ) – жамоат манфаатларини ҳимоя қилиш учун миллий иқтисодиётнинг ижтимоий аҳамиятга эга ва ривожланиши суст бўлган тармоқларини ривожлантириш мақсадида давлат ёки маҳаллий ҳокимияти ва хусусий сектор ўртасидаги қонуний ва институционал муносабатлар тизимиdir. Бу тизимнинг асослари тенг ҳуқуқлилик, оқилона ҳамкорлик, рискларни ва даромадларни адолатли тақсимлаш, давлат ва хусусий секторнинг саъй-ҳаракатлари бирлашувига асосланган бўлади.

Ижтимоий соҳада давлат-хусусий сектор ҳамкорлиги хусусий капитални ўзига жалб қилиш ва ижтимоий хизматларнинг сифатини оширишни ўйғунлаштиришдир. Мамлакатимизда мактабгача таълим, мактаб таълими ва олий таълим тизимида ҳам бундай амалиётнинг жорий этилиши мамлакатимиз таълим тизимини ривожланишининг янги босқичга олиб чиқиши мумкин. Тиббий хизмат кўрсатиш жараёнида давлат-хусусий шериклик муносабатларини кенгайтириш мухим масаладир. Бу соҳада ҳам мазкур амалиётнинг кенг жорий этилиши тармоқнинг сифатини яхшилаш имконини беради. Айнан, шу жиҳатлар ДХШ амалиётини Ўзбекистонда ривожлантириш заруратини ифодалайди.

Давлат ижтимоий соҳалар (соғлиқни сақлаш, таълим, маданият ва бошқалар) учун жавоб-

гар. Қоида тариқасида, иқтисодиётнинг ушбу тармоғига қарашли обьектлар давлат мулки ҳисобланади. Шу билан бирга, ижтимоий соҳага қарашли мазкур бюджет ташкилотлари томонидан айрим ҳолларда молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида ушбу обьектлардан вақтинча фойдаланиш ҳуқуқини хусусий тадбиркорлик субъектларига берилади. Давлат ва хусусий шериклар ўртасидаги ушбу муносабатлар ДХШ доирасида амалга оширилади. Давлат мулки ҳисобланган ижтимоий аҳамиятга эга бўлган обьектларни сақлаб қолиш, шу билан бирга мулкдорнинг ваколатларини бир қисмини хусусий секторга ўтказишга имкон берадиган бир қатор шакл ва услублардан фойдаланилади.

Давлат-хусусий шерикликни фақатгина ижтимоий-маданий соҳа ҳамда инфраструктурани ривожлантириш даражасини белгиловчи омилгина эмас, балки, мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришни янги босқичга олиб чиқадиган алоҳида дастак ҳисобланади. Замонавий бозор иқтисодиёти шароитида давлат-хусусий шериклиги бошқарув органлари томонидан назоратни амалга ошириш ва хусусий сектор билан самарали иқтисодий ҳамкорликни ўрнатишга қаратилган инвестицион лойиҳаларга маблағлар жалб қилиш воситаси ҳисобланади.

Давлат ва бизнес ўртасидаги ҳамкорлик ижтимоий соҳага инновацияларни киритиш учун зарур шартлардан бири ҳисобланади, чунки у бир вақтнинг ўзида иккита муаммони ҳал қилишга имкон беради: биринчидан ижтимоий соҳага йўналтирилган инвестицияларни молиялаштириш манбаларини кўпайтириш; иккинчидан, давлат ижтимоий хизматлари сифатини ошириш ва бюджет ташкилотлари маблағларининг самарадорлигини ошириш.

Ўзбекистонда яқин келажакда давлат-хусусий шериклигини амалга ошириш бўйича ижтимоий соҳани қўшимча ривожлантириш борасида мухим ишларни белгилаш, энг мухими, давлат шеригини танлашда шаффоф ва адолатли тизим ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бизнинг фикримизча, концессия шартномаси – хусусий секторни давлат мулкини самарали бошқаришда ёки ўзаро манфаатли шартларда давлат томонидан кўрсатиладиган ижтимоий хизматларни тақдим этишида иштирок этадиган давлат-хусусий шериклик шаклидир. Ижтимоий соҳада ДХШ механизмини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, концессия шартномаларини тузиш амалиётини кенгайтириш, ижтимоий соҳада давлат томонидан молиялаштириладиган ижтимоий хизматлар сифатини яхшилаш мақсадга мувофиқ бўлади.

### Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 январдаги ЎРҚ-657-сон қонуни. *Law (2021) of the Republic of Uzbekistan "On Public-Private Partnership" dated January 22, 2021 ORQ-657.*
2. *Resolution ( 4290) of the President of the Republic of Uzbekistan dated April 16, 2019 "On measures to develop public-private partnership in the field of health care".*
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги 60-сон фармони. *Decree (2022) No. 60 of the President of the Republic of Uzbekistan dated January 28, 2022 "On the Development Strategy of New Uzbekistan for 2022-2026".*
4. Мурожаатнома (2018). Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. (*Address of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev to the Oly Majlis* <http://uzfa.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliisy>)
5. AllenR, D.Radev "Extrabudgetary Funds" Washington, USA. <http://www.scopus.com>.
6. Дуганов Д.М. Оценка эффективности расходов на здравоохранение на региональном и муниципальном уровнях.// Институт экономики переходного периода. – М.: ИЭПП, 2007. –С.112. (Duganov D.M. Evaluation of the effectiveness of healthcare spending at the regional and municipal levels.// Institute for the Economy in Transition. – M.: IET.2007. – P.112.)
7. Завьялова Е.Б., Ткаченко М.В. Проблемы и перспективы применения механизмов государственно-частного партнерства в отраслях социальной сферы. Вестник ИЭ РАН. Москва. 2018. №1. -С.61-75. (Zavyalova E.B., Tkachenko M.V. Problems and prospects for the use of mechanisms of public- private partnership in the sectors of the social sphere. Bulletin of IE RAS. Moscow. 2018. No. 1. -P.61-75.)
8. Иванов О.В. Теория и мировая практика государственно-частного партнерства. – М.: МГИМО-Университет. 2016. –С.298. (Ivanov O.V. Theory and world practice of public- private partnership. – M.: MGIMO-University. 2016. -p.298.)
9. Касимова Г.А. Ботиров А.А.Ижтимоий соҳа: бошқариш ва молиялаштириш. Монография. Тошкент. Тамаддун. 2016. -16 б. (Kasimova G.A. Batirov A.A. Social sphere: management and financing. Monograph. Tashkent. Civilization. 2016. - P.16.)
10. Касимова Г.А. Фазначилик тизимида ижтимоий соҳанинг молиявий таъминоти услубиётини такомиллаштириш. Монография. – Тошкент: Иқтисод-молия, 2021. -30 б. (Kasimova G.A. Improving the methodology of financial support of the social sector in the treasury system Monograph. Tashkent. Economy and finance. 2021. -P.30.)
11. KASIMOVA G.A THE ROLE OF ENDAUMENT FUNDS IN FINANCING SOCIAL EXPENSES. JOURNAL OF CRITICAL REVIEWS. ISSN- 2394-5125 VOL 7. ISSUE 17. 2020.-P.2848-2855.
12. Литвяков С.С. Государственно-частное партнерство в финансировании транспортной инфраструктуры в Российской Федерации // Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – Москва, 2014. –С. 199.( Litvyakov S.S. Public-private partnership in financing transport infrastructure in the Russian Federation // Dissertation for the degree of Candidate of Economic Sciences. Moscow. 2014. -S.199.)
13. Степанова Н.Г. Особенности развития партнерских отношений государства и бизнеса [Электронный ресурс] / Н.Г. Степанова. – Режим доступа: URL: Stepanova N.G. Features of the development of partnership relations between the state and business [Electronic resource].<http://docplayer.ru/40703084-Osobennosti-razvitiya-partnerskih-otnosheniy-gosudarstva-i-biznesa.html>.
14. Обломуров Н.Н. Давлат-хусусий шериклик асосида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш. [www.interfinance.uz](http://www.interfinance.uz). // "Халқаро молия ва ҳисоб" иммий электрон журнали. -Тошкент. 2018. № 6. декабрь. (Oblomurodov N.N. Attracting foreign direct investment on the basis of public-private partnership. www.interfinance.uz. // "International Finance and Accounting" scientific electronic journal. - Tashkent. 2018. No. 6. December.)
15. Хулукшинов Д.Е. Сущность категории «государственно-частное партнерство» с учетом мировой и отечественной практики. // Экономика и предпринимательство. 2015. № 12-3 (65-3). -С.761-765. (Khulukshinov D.E. The essence of the category "public-private partnership", taking into account world and domestic practice. // Economy and entrepreneurship. 2015. No. 12-3 (65-3). -S.761-765.)
16. Хулукшинов Д.Е. Особенности отраслевого финансирования проектов ГЧП. // Предпринимательство.2016. № 1. -С. 98-104.( Khulukshinov D.E. Features of sectoral financing of PPP projects. // Entrepreneurship.2016. No. 1. -S. 98-104.)
17. Хулукшинов Д.Е., Норбоеva Е.Ц. Современное состояние системы здравоохранения России: вопросы финансирования и проблемы развития. // Экономические науки. 2016. № 5 (138). С. 79-84. (Khulukshinov D.E., Norboeva E.Ts. The current state of the healthcare system in Russia: financing and development problems. // Economic sciences. 2016. No. 5 (138). pp. 79-84).
18. Элмирзаев С.Э., Шавкатов Н.Ш. Давлат-хусусий шериклик муносабатларининг илғор хориж тажрибалари ва мамлакатимизда қўллаш истиқболлари. [www.interfinance.uz](http://www.interfinance.uz).\\ «Халқаро молия ва ҳисоб» электрон журнали. – Тошкент, 2019. -№3. июнь. (Elmirzaev S.E., Shavkatov N.Sh. Advanced foreign experiences of public-private partnership relations and prospects for application in our country. "International finance and accounting" electronic magazine. - Tashkent. 2019. - No. 3. June.)
19. Hirschmann A.O., The strategy of economic development. Yale University Press. New Haven. CT. 1958. -P.96. Biehl D. The role of infrastructure in regional policy. OECD. Paris. 1994.-P.34.
20. Улумбекова Г.Э. Здравоохранение России. Что надо делать: научное обоснование «Стратегии развития здравоохранения РФ до 2020 года. Монография. – М.: ГЭОТАР-Медиа. 2010. – 592 с. (Ulumbekova G.E. Health care of Russia. What needs to be done: scientific rationale for the "Strategy for the development of health care in the Russian Federation until 2020. Monograph. – M.: GEOTAR-Media. 2010. - 592 p.)
21. Фрейдина И.А. Международный опыт финансирования инфраструктурных проектов. // Экономическая политика. 2017. Т. 12. № 4. -С.196-203. (Freidina I.A. International experience in financing infrastructure projects. // Economic policy. 2017. V. 12. No. 4. -S.196-203.)